

Намозда оёқлар кенглиги ҳукми

05:00 / 09.01.2017 4263

Баъзи намозхонларнинг намоз ўқиётганда қиём ҳолатида оёқлари орасини ҳаддан зиёд кенг қилиб ўқиётганига гувоҳ бўлиб қоламиз. Агар улар жамоат билан ўқишсалар оёғини ёнидаги намозхоннинг оёғига текказиб олишади ва шу нарсани суннат деб билишади. Уларнинг бундай ўқиши ёнидаги намозхоннинг хушўйсини кетишига ҳам сабаб бўлиб қолади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам зарар беришдан қайтарганлар:

لَا أَقَمَ لَمْ يَسْوَ وَهِيَ لَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى لَعْنَةِ اللَّهِ وَسَرَّ أَنْ يُعْنَهُ لَللَّيْضِ رِيْرِدُخْ لِدِي عَسِي بَأَنْ عَمْ كَأَخْلَاهَا أَوْ... رَارِضَ الْوَرَرِضَ الْ

Яъни, Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “(Динда) зарар бериш ва зарар кўриш йўқдир”, дедилар. (Ҳоким ривояти, саҳиҳ)

Мўътабар тўрт мазҳаб имомлари ҳам оёқларни мазкур кенгликда қўйишга буюрмаганлар. Бундай ҳолат ҳадисларни тўғри тушунмаслик сабабли пайдо бўлган янги ҳолатдир. Ҳадисларни тўғри тушуниш учун асри саодат замонасига яқинроқ яшаган зотларнинг сўзларига мурожаат қилишимиз лозим бўлади. Зеро улар ҳадисларни биздан кўра яхши билганлар, яхшироқ тушунганлар ва шунга мувофиқ ҳукм чиқарганлар. Бу ҳақида мазҳабимизнинг мўътабар китобларидан бўлган “Эълоус сунан” китобида қуйидагича келган:

عَلَيْ مَلَسُو هِيَ لَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى لَعْنَةِ اللَّهِ وَسَرَّ أَنْ يُعْنَهُ لَللَّيْضِ رِيْرِدُخْ لِدِي عَسِي بَأَنْ عَمْ كَأَخْلَاهَا أَوْ... رَارِضَ الْوَرَرِضَ الْ

Нуъмон ибн Башир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам инсонларга юзландилар ва “Сафларингизни тўғирланглар, (деб) уч марта айтдилар. Аллоҳга қасамки, албатта сафларингизни тўғирлайсизлар ёки Аллоҳ таоло қалбларингизнинг ўртасини хилоф қилиб қўяди”, дедилар. (Нуъмон) айтди: Мен бир кишини елкасини шеригининг елкасига, тиззасини шеригининг тиззасига, тўпиғини унинг тўпиғига текказиб турганини кўрдим. (Абу Довуд ривояти)

текказишлик сафни тўғирлашликнинг ҳосил қилиш йўлидир. Ҳадисда намозга киришгандан кейин ҳам мана шу ҳолатда қолишга далолат қиладиган нарса йўқ, кимки шу нарсани (яъни, намозни ичида ҳам оёқни оёққа текказишни) даъво қилса, унга далил келтирсин. (Иқтибос тугади)

Мен айтаманки (яъни, Зафар Аҳмад Усманий Таҳонавий): Анас розияллоҳу анҳунинг “Бизларнинг ҳар биримиз елкамизни шеригимизнинг елкасига ва оёғимизни унинг оёғига теккизиб тутар эдик” деган сўзлари мазкур иш Набий с.а.в.нинг замонларида бўлган, ундан кейин давом этмаганлигига далолат қилади. Бу маънони Маъмарнинг ривояти очиқ-ойдин баён қилади. Унда “Агар бу нарса (яъни, оёқларни бир бирига текказиш) уларга нисбатан қилинганида, улар хуркак ҳачирдек қочиб кетардилар”, дейилган. Агар оёқни оёққа теккизиш намознинг қасд қилинган суннатларидан бир суннат бўлганда эди, саҳобаи киромлар буни тарк қилмаган бўлардилар ва ҳеч ким ундан қочмаган бўлар эди. Хуллас саҳиҳ гап биз айтган нарса, яъни, мазкур оёқни оёққа теккизишлик иқомат вақтида сафни тўғирлашликда муболаға қилиш учун бўлган. Иқоматдан кейин намознинг ичида бўлмаган. Буни англаб етинг! (Эълоус-сунан китобидан иқтибос тугади)

Фуқоҳолар намозхон қиёмда турганда қадамлари яқинлиги қай даражада бўлиши ҳақида ихтилоф қилганлар:

Шофеийлар бир қарич миқдоридан бўлади деганлар.

Ҳанбалий ва Моликий мазҳаби фуқоҳолари оёқлар орасини кенг ҳам қилмасдан, бир бирига теккизиб ҳам олмасдан, балки ўртача, одатдагидан ошиб кетмаган ҳолда бўлишни мустаҳаб деганлар.

Бизнинг Ҳанафий фуқоҳоларимиз эса тўрт бармоқ миқдоридан бўлиши суннат, чунки бу хушуъга яқиндир, деганлар. Лекин бу ўлчов миқдори оёқларини кенг қилишга узри йўқ кишилар учун белгиланган ўлчовдир. Аммо гавдаси катта, семиз ва барваста кишилар каби мўътадил мувозанатни сақлашда оёқлар орасини кенгроқ қўйишга эҳтиёжи бор кишиларга одатдаги ҳолатида туришга рухсат берилган. Чунки бундан мақсад узоқ вақт қиём ҳолатида турганда ҳам хушуъни йўқотмасдан туришга имкон яратиб берадиган даражада бўлишдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Саҳиҳул Бухорий
2. Сунани Абу Довуд
3. Эълоус Сунан
4. Ал-Фиқҳул исламийю ва адиллатуху
5. Ҳошиятут-Тоҳтовий

Қудратуллоҳ Сидиқметов